

# ВАТАНШАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА  
 ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ  
 ОРГАНИ

● 2001 йил, 6 декабрь, пайшанба № 146 (1566).  
 Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.  
 ● Согувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ  
 ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ  
 РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Четверг, 6 декабря, 2001 г. № 146 (1566).  
 Газета издается с 24 июня 1992 г.  
 ● В розницу — цена свободная.

## ВАТАН МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг Фармонларига мувофиқ, Истиқлолимизнинг 10 йиллиги арафасида турли жабҳалардаги фидокорона меҳнати, сарҳадларимиз дахлсизлигини сақлаш, ишлаб чиқариш ва маънавиятни юксалтириш борасида эришган муваффақиятлари учун бир гуруҳ ҳаюротларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди.

5 декабрь куни — Конституциямизнинг байрам қилиниши арафасида Оқсарой қароргоҳида мана шу юксак мукофотларга сазовор бўлган бир гуруҳ ҳаюротларимизни таътанали тақдирлаш маросими бўлди.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов топширди.

— Мен бугун шу мухташам саройда сиз, азизларни Ватанимизнинг мўътабар мукофотлари билан чин қалбимдан муборакбод этар эканман, — деди давлатимиз раҳбари маросимни очар экан, — сизларнинг тисолинигизда шундай мукофотларга сазовор бўлган, узоқ яшан шаҳар ва қишлоқларда яшайдиган юзлаб юрдошларимизни ҳам, бағримга босиб, уларга ҳам таъриқ ва мукофотларни бамисоли ўз қўлим билан топшираётгандек тасаввур қиламан. Чунки давлат раҳбари, Президент зиммасида жуда кўп мураккаб ва масъулиятли вазифалар борлигини яхши биласиз. Лекин сизларнинг бугунги шодлигингизга шерик бўлиб, юксак унвон ва нишонларни топширишни зиммамдаги кўп-кўп ишлар орасида ўзим учун энг шарафли вазифа, деб биламан. Фурсатдан фойдаланиб, мана шу маросим билан боғлиқ яна бир фикрни айтишга ижозат берсангиз. Биз босиб ўтган ўн йиллик мустақил тараққиёт йўлимизга назар ташлайдиган бўлсак, тобора чирой очиб бораётган шаҳар ва қишлоқларимиз, гўзал юртимиз қиёфасида, замонавий корхоналаримиз, бепоён даладаримизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари мисолида янги ҳаёт, янги жамият қуриш борасидаги улкан ўзгаришларни яққол кўришимиз мумкин.

Айни вақтда, биз эришган натижалар билан бирга, ҳа-

ли ечилмаган муаммоларни ҳам таҳлил қилиб, янги марраларни белгилаб, ўз олдимизга янада салмоқли вазифалар қўямиз, албатта.

Очиқ айтиш керакки, бу натижалар кимларнинг меҳнати билан қўлга киритилмоқда, бу ютуқларга кимларнинг фидойилиги ва қаҳрамонлиги эвазига эришилмоқда, деган саволни ўзимизга камдан-кам берамиз.

Бугун шу саволга жавоб берадиган бўлсак, мамлакатимизда рўй бераётган барча ўзгаришлар замирида давлатимизнинг юксак мукофотларига мушарраф бўлган сиз каби минг-минглаб одамларнинг фидокорона меҳнати, эзгу интилишлари мужассам эканини алоҳида таъкидлаш зарур.

Ислом Каримов Ўзбекистон босиб ўтган 10 йиллик мустақил тараққиёт йўли буюк келажгимиз, порлоқ истиқболимиз, фаровон ҳаётимизга мустаҳкам пойдевор қўйганини алоҳида таъкидлади.

— Ҳар қайси давлат, ҳар қайси жамият ўз олдида қўйган катта мақсад ва марралар сари борар экан, бунинг учун мамлакатда, аввало, тинчлик-осойишталикни сақлаш, шу билан бирга, одамларнинг меҳнат қилиши учун шароит тугдириб бериш, ана шу меҳнатни қадрлаш, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш ўта муҳим аҳамиятга эга эканини англаб олишимиз зарур, — деб таъкидлади Президент. — Агар жамият ҳаётида инсонга мана шундай муносабат қарор топса, унинг қалол меҳнати ўз вақтида муносиб тақдирланса, бундай одам ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтиш, ўз юртини обод қилишда қеч қачон ўзини аямайди.

Ушбу унутилмас дақиқаларда биз, аввало, «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган мамлакатимизнинг энг олий унвонига сазовор бўлган моҳир шифокор Раҳмон Муҳаммадиев, ўз меҳнати билан обрў тошган газчи Қобул Мўминов, «Меҳрибонлик уйи»нинг жонкуяр мураббийси Вера Борисовна Цак, қирқ йилдан буён жамоа ҳўжалигини бошқариб келаётган машҳур раис Тожибой Ризаев, саҳонатли инсон, фермер Алланияз Утеинязовнинг номларини катта ҳурмат билан тилга ола-

миз. Улар қаторида «Буюк хизматлари учун», «Эл-юрт ҳурмати», «Шон-шараф», «Соғлом авлод учун», «Меҳнат шухрати» ва Ватанимизнинг бошқа юксак мукофотлари билан тақдирланган барча муҳтарам юрдошларимизни ҳам чин дилдан табриқлаймиз, — деб таъкидлади Ислом Каримов.

Мустақиллик йилларида халқимизнинг азалий қадриятларини тиклаш, эски тузум даврида яшаб иккод этган, юрт озодлигини орзу қилиб оламдан ўтиб кетган, қалбани истиқлол умиди билан яшаган юрдошларимиз қадрини ўз ўрнига қўйиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бу ишларнинг бошида эса шахсан давлатимиз раҳбарининг ўзи турибди. Истиқлолнинг ўн йиллиги муносабати билан шундай ҳаюротларимиздан яна бир гуруҳига «Буюк хизматлари учун» ордени берилганди.

Ислом Каримов таъкидладики, кейинги йилларда биз, кеч бўлса-да, эски тизим даврида бетакрор истеъдоди ва ўлмас мероси билан миллий маданиятимиз ривожига беқиёс ҳисса қўшган, бугун ҳаётини халқимиз маънавиятининг юксалишига бағишлаган, бугун ҳаётдан ўтган, эл-юртимизнинг олқиши ва ҳурматига сазовор бўлган, унинг хотира-сида абадий сақланган ватандошларимизнинг хизматларини муносиб қадрлаб келмоқдамиз. Ана шу анъанага содиқ қолиб, бу йил ҳам бир гуруҳ марҳум санъат ва адабиёт намояндларини «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирлаганимиз яна бир савобли, эзгу иш бўлди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикримга қўшиласиз.

Шаҳсан мен Лутфихоним Саримсоқова, Шукур Бурҳонов, Мукаррама Турғунбоева, Тамарахоним, Садриддин Айний, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Миркарим Осим, Урол Тансиқбоев, Чингиз Аҳмаров, Хужа Абдулазиз Абдурашулов, Маннон Уйгур, Мария Кузнецова, Аббос Бакиров, Уста Ширин Муродов, Наби Ғаниев, Муроджон Аҳмедов сингари мумтоз санъаткорларимизнинг мана шундай шарафга муяссар

(Давоми 2-бетда).

В ЧАСТЯХ И ПОДРАЗДЕЛЕНИЯХ МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН НАБИРАЕТ ТЕМПЫ БОЕВАЯ УЧЕБА В НОВОМ 2001—2002 УЧЕБНОМ ГОДУ ПОД ДЕВИЗОМ: «ПРЕДАННОСТЬ РОДИНЕ, ПРОФЕССИОНАЛИЗМ И ДИСЦИПЛИНИРОВАННОСТЬ — ДОЛГ И ОБЯЗАННОСТЬ КАЖДОГО ВОЕННОСЛУЖАЩЕГО»



По итогам прошедшего учебного года младший сержант по контракту Ойбек Узakov признан одним из лучших в подразделении. Новыми успехами в боевой учебе он намерен встретить 10-ю годовщину Вооруженных Сил.

Фото Н. ЮСУПОВА.

## Саф кўриги ғолиблари

Яқуний синов машғулотлари таҳлиллари шунинг кўрсатишича, подполковник Т. Жақпаров командирлик қилаётган қисм шунқорлари жанговар ютуқларнинг юксак чўққиларини забт этишди. Аммо жамоа посбонлари кечаги ютуқлардан ҳаволалиб кетадиганлардан эмас. Буни қишқи ўқув мавсумининг илк машғулотлари ҳам кўрсатиб турибди.

— Айниқса, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик жуда юқори савияда ўтди. Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ишлар Бош бошқармаси томонидан тавсия этилган мавзу турли мулоҳазаларга бой тарзда кечди. Бундан аён бўладики, посбонларимиз минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазиятни тўғри англашди. Бу эса уларнинг жанговар шайлиқ, ҳушёр-

лик, сергакликларини мустаҳкам сақлашларида муҳим омил. Машғулотларимиз режасига мувофиқ бир неча бора ўқув тревогаси бўйича тайёргарликлар ўтказдик. Ҳар ҳолда, натижалар чанки эмас. Илк ютуқлардан кўриниб турибдики, жанговар шайлиқ очиб бормоқда, — дейди қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари капитан Д. Ваҳобов.

Таъкидлаш жоизки, катта лейтенант Насур Маҳаматмуродов етакчилигидаги командантлик взводи посбонлари саф кўриги бўйича қисмда ғолиб деб топилди. Бунда оддий аскарлар Ф. Зиёдов, К. Тўраевларнинг хизматлари катта бўлди.

Капитан А. САҒАРОВ, «Ватанпарвар» муҳбири. Қарини гаринзоки. (Факс орқали).

## КОГДА ВЕРСТАЛСЯ НОМЕР СРЕДИ НАГРАЖДЕННЫХ — ОФИЦЕР-АРТИЛЛЕРИСТ

Особые чувства, которые теперь никогда не забудутся, довелось испытать вчера начальнику артиллерии — начальнику отдела Центрального военного округа подполковнику Атабуллаеву Жалолиддину Жайнаковичу, который в числе отличившихся наших соотечественников был приглашен в резиденцию Оқсарой. Накануне Дня Конституции в торжественной обстановке Президент — Верховный Главнокомандующий Вооруженными Силами

Республики Узбекистан И. Каримов вручил ему государственную награду Родины — орденом «Шон-Шараф» II степени, которого он был удостоен в честь 10-й годовщины независимости нашей страны.

Проникновенные слова главы государства, которые прозвучали в его обращении к награжденным, — это и высокая оценка особых их заслуг, и наказ Президента и в дальнейшем быть настоящими патриотами своей Родины, вклады-

вающими все свои силы для ее процветания. Уверены, что и подполковник Ж. Атабуллаев, и весь личный состав Вооруженных Сил будет и впредь стремиться быть верными защитниками завоеваний независимости, обеспечивая покой граждан, строящих великое будущее нашей Родины — Республики Узбекистан.

Поздравляем подполковника Ж. Атабуллаева с высокой государственной наградой Родины!

Наш корр.

# В а т а н мукофотлари топширилди

(Давоми. Боши 1-бетда).

Булганидан, бу ишда ўзининг ҳам ҳиссам борлигинида Фахрланаман.

Мукофотланганлар орасида илм-фан, маданият, санъат, спорт соҳаларида улкан зафарларни қўлга киритган навқирон авлод вакиллари ҳам бор. Улар ҳам Ўзбекистон номини дунёга таъини, санъат ва илм-фаннинг ривожлантиришига ўз ҳиссаларини қўшиб келяпти.

Ислоҳ Каримов давлатимизнинг юксак мукофотлари билан таъдирланган мана шу инсонларга қарата, сизларнинг жаҳон майдонларида нафақат ўз номинини, ўз жамоангиз шухратини, айни пайтда гўзал ва бетакрор юртимизни бутун дунёга тараннум этаётганингизни биз Ватан олдидаги, халқимиз олдидаги энг катта хизматингиз, деб баҳолаймиз, деди. Давлатимиз раҳбари уларни тарбиялаб, вояга етказган ота-оналари, устоз-мураббийларига ҳам ўзининг самимий миннатдорлигини билдирди.

Президент Ислоҳ Каримов ҳаётиимизни янада фаровон этиш, юртимиз тинчлиги, сарҳадтримиз дахлсизлигини таъминлаш, миллатлараро дўстлигини мустаҳкамлаш ишига, маданиятимиз ва санъатимиз равишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган барча азиз инсонларни Ватанимизнинг қутлуг мукофотлари билан яна бир бор муборакбод этиб, уларга сяхат-саломатлиги, ишларига ривож, хонадонларига файзу барака тилади. Барчани Конституцияимизнинг тўққиз йиллик байрами билан самимий табриқлади.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамонлари — Паркент туманидаги «Заркент» ширкети хўжалиги бонциарув раиси Тожибой Риззев, Нукус туманидаги «Саҳоват» фермер хўжалиги бошлиги Алланияз Утеминов, Ўзбекистон халқ артисти, марҳум Аббос Бакировнинг қизи Ойбарчи Бакирова, академик Эдвард Ривеладзе, таниқли теннисчи Ирода Тўлаганова ва бошқалар Президентимизга билдирган эзгу тилаклари ва улкан интиҳон учун самимий миннатдорлик билдириб, Ватанимизнинг бу мукофотлари янада самарали меҳнат қилишга, маънавиятимизнинг юксалиши ва иттифоқимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга ундашни таъкидлади.

(ЎЗА).

## ● КОНСТИТУЦИЯ КУНИ ОЛДИДАН

# ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

Конституция қабул қилинган кунга бағишлаб деворий газетанинг махсус соҳиши чиқариш борасида оддий аскар Жамшид Тошнўлатовнинг ўз гояси бор эди. Бироқ командирнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари лейтенант Аҳмад Носиров уни янада тўлдирди. Шу таразда «Кўриқчи» деворий газетасининг байрам сонига асос солинди.

Жамшид қўли гул яниг эмасми, рақамини чиройли қилиб чиқиб, унинг ишида Конституциянинг рамзий тасвирини ифодаледи. Сафдошлари, устоз-командирлари унинг топширилганга қойил қолдилар, энди бу — деворий газетанинг бе-заклари. Унинг асл моҳияти эса мақолларда ўз аксини тошган. Айниқса, яқинда сафларни тўлдирган ёш оддий аскар Абдуғаффор Алмуротовнинг Конституция ҳақидаги фикрлари кинини бефарқ қолдирмайди. «Мана Конституциявий бурчимни ўташга киришдим. Уни шараф билан оқлагига сўз бераман», деган жумлалар бор унда.

— Бош Қомусимиз қабул қилинган кун жамоамизда катта таптана ўтказишни режалаштирғанмиз. Уруш ва меҳнат фахрийла-

ри, давлат ва жамоат ташкилотларидан вакиллар келишади. Ижтимоий-сиёсий машгулотлар хонасида Конституция ва унга оид адабиётлардан иборат бурчак ташкил қилғанмиз. Байрамга муносиб совға билан бориш посбонларимизга хос анъанага айланиб қолган. Қичик сержант З. Оллоёров, оддий аскарлар М. Сайлиев, З. Эргашевлар ўзларининг жанговар ютуқлари билан Асосий Қонунимиз қабул қилинган кунини муносиб кутиб олишга ҳаракат қилишаётган посбонларимиздан. Бундай илғор посбонларимизнинг бар гуруҳини яқинда М. Тошмуҳаммедов номли вилоят мусиқали драма театрида Конституцияимиз қабул қилинган кунга 9 йил тўлиши муносабати билан ўтказилган таптанага олиб бордик. — дейди биз билан суҳбатда командирнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари лейтенант А. Носиров.

Ҳа, қисм ва бўлимларда она-юрт ҳимоячиларининг жанговар тайёргарлиги, хушёрлиги, шайлиги тобора мустаҳкамлашиб бормоқда. Демакки, байрамга ёруғ юз билан боришмоқда, несбонларимиз.

Кавитан Ш. ТОЛМАСОВ.

## ● МАШГУЛОТЛАР ҚИЗГИН

# САФ КҮРИГИ— МАВСУМ «АЛИФБОСИ»

Ҳар бир янги ўқув мавсуми саф кўриги билан бошланади. Ижтимоий-сиёсий машгулотлар хонасида Конституция ва унга оид адабиётлардан иборат бурчак ташкил қилғанмиз. Байрамга муносиб совға билан бориш посбонларимизга хос анъанага айланиб қолган. Қичик сержант З. Оллоёров, оддий аскарлар М. Сайлиев, З. Эргашевлар ўзларининг жанговар ютуқлари билан Асосий Қонунимиз қабул қилинган кунини муносиб кутиб олишга ҳаракат қилишаётган посбонларимиздан. Бундай илғор посбонларимизнинг бар гуруҳини яқинда М. Тошмуҳаммедов номли вилоят мусиқали драма театрида Конституцияимиз қабул қилинган кунга 9 йил тўлиши муносабати билан ўтказилган таптанага олиб бордик. — дейди биз билан суҳбатда командирнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари лейтенант А. Носиров.

Ҳа, қисм ва бўлимларда она-юрт ҳимоячиларининг жанговар тайёргарлиги, хушёрлиги, шайлиги тобора мустаҳкамлашиб бормоқда. Демакки, байрамга ёруғ юз билан боришмоқда, несбонларимиз.

Ҳа, қисм ва бўлимларда она-юрт ҳимоячиларининг жанговар тайёргарлиги, хушёрлиги, шайлиги тобора мустаҳкамлашиб бормоқда. Демакки, байрамга ёруғ юз билан боришмоқда, несбонларимиз.

Кавитан А. САФАРОВ, «Ватанпарвар» мухбири. Қарши гарнизони. (Факс орқали).

## Доверие оправдаем

Прошло совсем немного времени с тех пор, как мы по окончании учебы в школе подготовки сержантов убыли в войска для дальнейшего несения службы. Однако уже этой зимой нам предстоит показать себя в деле.

Мне в этом плане будет легче, чем призванным из запаса моим товарищам, — я вернулся служить в свою же часть, на ту же должность командира парашютно-десантной группы, с которой и уходил в сержантскую школу.

Учеба оказала большое влияние на мой профессиональный рост — преподаватели вооружили меня массой новых знаний по методике обучения и воспитания личного состава, по ведению взводного хозяйства, оформлению документации. И уже первые дни зимней боевой учебы показывают — нашей группе вполне под силу бороться за звание лучшего подразделения в батальоне, этим успехом порадовать моих наставников.

Младший сержант Б. БОЗОРОВ.



Группа, где командиром старшина Собир Туймекулов, успешно завершила учебный год. По всем основным предметам обучения его подчиненные получили высокие оценки. В новом учебном году, взвесив свои реальные возможности, группа Туй-

мекулова взяла высокие обязательства — получать во время занятий только отличные оценки.

На снимке: командир группы старшина С. Туймекулов ставит подчиненным учебно-боевые задачи. Фото Н. ЮСУПОВА.

# БОНН УЧРАШУВИ НИҲОЯЛАМОҚДА

Афғонистондаги зиддиятни тинч йўл билан ҳал этиш борасида ўтган ҳафта Германиянинг Бонн шаҳрида бошланган анжуман давом этмоқда. Унда тўртта сиёсий куч — Бирлашган аксилтўлибон fronti, Зоҳиршоҳ тарафдорлари, Покистондаги Афғонистон қочқинларидан иборат Пешовар гуруҳи ҳамда хорижий мамлакатларда яшаётган афғон муҳожирларидан ташкил тошган «Кипр ташаббуси» вакиллари иштирок этмоқда.

Киодо Цусин (Япония) ахборот агентлигининг маълум қилишича, айни пайтда анжуман иштирокчилари янги коалицион ҳукумат тузиш масаласи юзасидан ўзаро маслаҳатлашмоқда. Тўрт сиёсий куч ҳам ўз номзодларини илгари суриб бў-

ган. Масаланинг назик жиҳати лавозимлар айнан кимларга тегишларидир. Кузатувчилар бу жараён яна икки кунга қўзилиши мумкинлигини айтмоқда.

Ҳозиргача ўтказилган музокаралар натижасида иштирокчилар БМТнинг ўттиш даври ҳукуматини тузиш борасидаги таклифини маъқуллади. Режага кўра, бу ҳукумат олти ой фаолият кўрсатади. У бир рانس, унинг беш нафар ўринбосари ҳамда 23 вазирдан иборат бўлиши керак. Яна 21 кишидан иборат махсус комиссия Афғонистон олий кенгаши — Лойя жирга қақриш масаласи билан шуғулланади. Ўз навбатида Лойя жирга муваққат ҳукумат таркибини маъқуллаши керак. Янги ҳукумат бир ярим йил

фаолият кўрсатади.

Тахминларга кўра, Афғонистоннинг ҳозирги мудофаа вазири Муҳаммад Фаҳим, ташқи ишлар вазири Муҳаммад Абдулла ва ички ишлар вазири Юнус Қонуний ўз лавозимида қолади. Утиш даври ҳукуматининг раиси этиб пуштун миллатига мансуб йўлбошчилардан бири Ҳомид Карзай сайланиши мумкин. Унинг номзоди БМТ ҳам маъқуллаб турибди. Бирлашган фронтнинг ҳам эътирози йўқ. Утиш даври ҳукумати раҳбарлигига Зоҳиршоҳнинг маслаҳатчиси Абдусаттор Сирот, 1992 йилда мамлакатда президентлик қилган Мужиддин ҳамда Афғонистон миллий ислом фронт партиясининг йўлбошчиси Аҳмад Найлоний ҳам

талабгор. Бироқ номзодларнинг бирортаси ҳам ҳозирча тасдиқлангани йўқ.

Афғонистонда илк эркин ва демократик сайловни 2004 йилда ўтказиш мўлжалланмоқда. Шунингдек, ушбу режага кўра, Афғонистонга БМТ ваколати билан халқаро тинчликни сақлаш кучлари киритилиши ҳам кўзда тутилган.

Афғонистоннинг ўзида эса террорчиликка қарши ҳарбий тадбирлар давом этмоқда. Мамлакатнинг тўқсон фозни толиблардан озод қилинган. Айни кунларда АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари толибларнинг сўнги истеҳкоми бўлган Қандаҳор шаҳрини бомбардимон қилмоқда. АҚШ қуролли кучлари «Ал-Қоъда» аъзолари ва унинг раҳбари Усома бин Ладинни қўлга олишга қаратилган тадбирларни бир зум ҳам бўшақтиргани йўқ. Кўни кеча Жалолобод шаҳ-

рининг Усома яшириниши мумкин бўлган жанубий ҳудудларига ҳаводан зарба берилди.

Хуллас, Афғонистонда тинчлик ўрнатилишдан манфаатдор кучларнинг барчаси Боннда кечаётган сиёсий музокараларга умид қўлини тикиб турибди. Анжуман жуда мураккаб шароитда ўтаётган бўлса-да, БМТ ва кузатувчи бўлиб иштирок этаётган мамлакатлар вакиллари тадбирнинг муваффақиятли туғанига шубҳа билдирмапти. Анжуман иши бўйича яқини ҳужжат чоршаба кўни имзоланиши керак. Шу кўни Берлинда Афғонистон муаммоларига бағинланган яна бир халқаро анжуман бошланиши кутилмоқда. Унда Афғонистонга иқтисодий ёрдам кўрсатиш масалалари муҳокама этилади.

С. РАҲИМОВ, ЎЗА - шарҳловчиси.

ВНИМАНИЕ, КОНКУРС!

# К 10-й годовщине Вооруженных Сил Республики Узбекистан

В соответствии с планом по подготовке и празднованию 10-й годовщины вооруженных сил Республики Узбекистан проводится и всеармейская выставка художественного творчества военнослужащих, членов их семей, ветеранов вооруженных сил и всеармейская фотовыставка.

На выставке художественного творчества должны быть представлены живописные работы (тематические и жанровые), портреты, пейзажи, натюрморты, рисунки, графика, изделия народно-прикладного искусства, керамика, резьба по дереву, ганч, чеканка, ткачество, художественная вышивка, ювелирные работы.

На фотовыставке должны быть представлены 4-5 фотоснимков (с негативами) каждого автора, отражающие жизнь и деятельность воинских частей и учреждений (боевая подготовка, спортивные и культурно-досуговые мероприятия и т. п.).

Победителям и призерам вручаются денежные премии и дипломы. Работы вместе с анкетами авторов направить до 20 декабря 2001 года в Центральный музей вооруженных сил Республики Узбекистан.



Для всех и каждого

ТАКСИДА — ВАЗНГА ҚАРАБ ҲАҚ

Зимбабведа таксида юрадиган бўлсангиз, аввал таънабга ўйлаб кўринг. Айниқса, бу гап семизларга таънабдир. Негаки, таксичилар белгиланган вазидан ортиқ бўлсангиз, ҳар килограмм учун 5 центдан кўшимча ҳақ олишади. Бу учун уларга ҳукуматнинг фирмойини асос. Демак, бу расман қабул қилинган қоида.

Амикроқ қилиб айтадиган бўлсак, аёллар 75 килограммдан, эркеклар 100 килограммдан ошса, бу қоидада бўйсунмига мажбур. Ўйин, миқоз таксига ўтир-

ган захоти ўриндиқда ўриштирилган тарози унинг вазини кўрсатади.

Оғини, таксичиларнинг эътирозларига ҳам қўшилмасдан иложингиз йўқ. Хўна-семиз кишилар дастидан ҳайдовчи ўриндиқни ҳар ойда алмаштиришга мажбур бўларкан. Қолаверса, семиз кишилар таксига ўтиргач, кўл жойини эгаллаб, бошича миқозларга жой қолмайди.

Хуллас, бўладиган гап шу. Тошнингиз оғирми, марҳамат қилиб кўшимча ҳақни тўлаи.

И. ҚУРБОНОВ тайёрлади.

«БЕЗОБИДНОЕ» ХОББИ

Английский ученый Фрэнсис Гальтон, живший в конце XIX века, вместе с приятелем собирал целых 30 лет (!) отпечатки пальцев различных людей. Как-то раз, дотошно рассматривая свою многоголетнюю коллекцию, Гальтон сделал революционное открытие. Оказывается, все отпечатки совершенно разные! В результа-

те ученый установил, что папиллярные линии образуют четыре основных типа рисунков, что эти узоры не изменяются всю жизнь и восстанавливаются, даже если пальцы обварить кипятком. Так родилась наука дактилоскопия, методами которой пользуются правоохранительные органы всего мира.

СЕМЕРО ПО КОЙКАМ

12 июля с. г. в госпитале Джорджтаунского университета в Вашингтоне у женщины, пожелавшей скрыть свое имя, родились семеро близнецов — пять мальчиков и две девочки. Дети появились на свет на 28-й неделе беременности в результате кесарева сечения, а весь процесс их появления на свет занял три минуты. Возле

матери безотлучно находилось более двадцати врачей. Как сообщает Ассошиэтед пресс, в мире это всего третий случай рождения семерых близнецов, когда все дети остались в живых. Впервые это случилось в 1998 году в Саудовской Аравии, затем в том же году «семерняшек» родила жительница штата Айова.

Оғуфурушнинг боши хам

Ҳозирги кунларда инсоният бошига оғир кулафат ёғдираётган нарқобизнесга қарши кураш дунё ҳам-жамияти томонидан қўйлаб-қувватланмоқда. Бироқ ҳали-ҳануз мўмай пул толини яширишда ҳаётини хавф остига қўётган кимсалар ҳам учраб турибди. Оғуфурушлар янги-янги найрангларни кўрсата бошлаганини бонсе бу борада янада самаралироқ ишларни амалга оширишни давр тақозо этмоқда. Гийҳвандлик моддаларини ноқонуний равишда сақлаш, сотиш ва тарқатиш жиҳоят эканлигини билса-да, бу муҳим ишга кўл ураётганлар орасида айниқса ёшларнинг борлиги ачинарлидир.

Эндигина 19 ёшми қаршилаган тожикистонлик Р. А. ҳам мана шу оғунинг домига тушиб қолди. У ёнида бирорта ҳужжатсиз давлат чегарасини ноқонуний тарзда бузиб ўтишни режалаштирган эди. Аммо нияти амалга ошмади. Унинг «отда хуржун тўла бўёқлар олиб кетаянман» деган найранги ҳам ўтмади. Тожикистон — Ўзбекистон Республикалари чегара ҳудудларига яқин жойда чегара парядида турган аскарлар қонунбузарни ушлаб, зудлик билан ҳарбий қисм командирларига хабар қилишди.

Ҳарбий қисм командирни тезкорлик билан ҳаранат қилди.

Хуржундаги «бўрилар» ни туман экспертиза гуруҳи ҳайъати аъзолари сиичковлик билан текширганларида 36 дан ортиқ целлофанга ўралган идишлардаги 30 кг дан ортиқ ўта кучли гийҳвандлик моддаси — героини эканлиги маълум бўлди. Айни кунда давлат чегарасини бузган шахс устидан жиноий иш қўзғатилиб, текширув ишлари олиб бориляпти.

Ҳа, йингит ҳаётга тегароқ боқиб, бирон бар қасбнинг эгагидан тутиши, ҳалол меҳнат эвазига даромад қилишни мумкин эди. Қўтлуг рамазон ойида ёвуз ниятлар ўрнига эзгу ишларни амалга оширганда айни пайтда боши хам бўлиб ўтирмасди. Энди чегарани бузиб ўтганлиги, қолаверса, нарқобизнес билан шуғулланганлиги учун қонун олдида жавоб беради. Қонун ҳамма учун баробар. Чегарамиз дахлензлиги тулиқ таъминланган. Уни бузиб ўтишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Лейтенант Раззоқ ШОИМАРДОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмида Матбуот хизмати бошлиги.

РЕКЛАМА

56-54-76

ОБЪЯВЛЕНИЯ

КУПЛЮ

◆ Холод., шв. маш., ТВ, в/маг., газ. пл., велосипед, стир. маш. «Кургузья», раб. и пераб. Т.: 74-95-15, 75-59-73.

◆ ВМ-12, «Комету-225», магнит., усилит., АС. Т.: 78-56-34, 56-27-39.

◆ Шв. маш., оверлок, холод., мороз., газ. пл., телевизоры. Т.: 90-73-29, 90-99-29.

ПРОДАЮ

◆ Холодильники, морозильники. Т.: 90-73-29.

РАЗНОЕ

◆ Продаётся породистый щенок. Т.: 170-98-96.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 4 декабрдан бошлаб ҳисоб ва боқхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини қийматини белгиледи: / 1 АҚШ доллари 683,84 / Валюта қийматини белгилан чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъмур валюталарини ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

10-16 ДЕКАБРЯ

ПОНЕДЕЛЬНИК, 10.12
8.00, 12.55, 17.05 Мультфильм...

ВТОРНИК, 11.12
8.00 Мультфильм...

СРЕДА, 12.12
8.00, 14.15, 18.05, 1.35, 4.50 Мультфильмы...

ЧЕТВЕРГ, 13.12
8.00, 12.50, 1.10 Мультфильм...

ПЯТНИЦА, 14.12
8.00 Мультфильм...

СУББОТА, 15.12
8.00, 16.50 Мультфильмы...

15.55 Фильм «Белый танец»...

ВОСКРЕСЕНЬЕ, 16.12
8.00, 12.30, 23.35, 4.30 Мультфильм...

10 ДЕКАБРЯ
5.30, 16.50 «Рамазон гулхана»...

16.55-гача профилитика ишла...

17.20 «Санга-Барбара»...

16.55-гача профилитика ишла...

17.20 «Бурлаш»...

17.20 «Бурлаш»...

7.00, 8.00, 10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 21.00, 24.00

8.00 «Настроение»...

К СВЕДЕНИЮ АБОНЕНТОВ КАБЕЛЬНОГО ТЕЛЕВИДЕНИЯ
В сетке вещания российских ТВ-каналов возможны временные изменения...

12.15 «Не бойся, я с тобой!»...

11 ДЕКАБРЯ

5.30, 16.50 Рамазон тухфаси. 5.50 «Хабла». 6.00 «Ассалом, Узбекистон!».

18.05 Автопатруль. 18.25 Вечерние мелодии. 18.35 Дайвор.

6.00 «Доброе утро». 9.00, 12.00 Новости. 9.15 Жди меня.

12.00 «Джейн Эйр». 14.30 «Самооборона». 16.30 С благодарностью госпоже Любе.

16 ДЕКАБРЯ 6.00 «Ассалом, Узбекистон!».

17.20 Фильм «Маугли». 18.55 «Куралди». 19.15, 20.40, 21.35 «Экспресс».

9.50 Библиомания. 10.10 «Непугуемые заметки».

1.30 Непознанное. 2.00 «Лепрекон в космосе».

17.35 «Стремись к будущему». 18.10 «Орзулар домини».

17.00 Вести. 17.25 «Хорошие плохие парни».

5.50, 8.50, 7.50, 8.50 Вести — Москва.

8.00 «Настроение». 10.50 Газетный дождь.

8.00 «Давр топги». 9.00, 17.00 Студия «Новое поколение».

9.05, 17.00, 19.40 «Телехамкор».

8.45 Русское лото. 9.35 Сам себе режиссер.

9.05 «Все народы России». 9.30 Москва Гидрологического.